

[illegible]


ТОВАР ВА МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ ДАЙЖЕСТИ

2025 йил январь-июль

ТОВАР ВА МАҲСУЛОТЛАР


АРМАТУРА

(минг т)




ЦЕМЕНТ

(минг т)




БУҒДОЙ

(ун ишлаб чиқариш) (минг т)




ДИЗЕЛЬ ЁҶИЛҒИСИ

(минг т)




БЕНЗИН

(минг т)



ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР


(дона)



БОЗОРИНИНГ КОНЪЮКТУРАСИ


ГУРУЧ

(минг т)




ШАКАР

(Оқ) (минг т)




ЎСИМЛИК ЁҒИ

(минг т)




СҮЮЛТИРИЛГАН ГАЗ

(минг т)



ТИЖРАТ ТЕХНИКАЛАРИ

(Махсус автотранспорт) (дона)



АСОСИЙ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ ҚИСҚА ШАРҲИ

Қурилиш арматураси. Тошкент шаҳар қурилиш материаллари бозорларида қурилиш арматураси ўртача нархи июль ойида **1 тонна** учун **9 648 минг сўми** ташкил қилиб, июнь ойига нисбатан **1 фоизга** (71 минг сўм/т) йил бошига нисбатан **4 фоизга** (368 минг сўм/т) **ошган**.

Қурилиш арматураси истеъмоли 2025 йил июль ойида **106 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил июнь ойига нисбатан **62 фоизга** (41 минг т) **ошган**.

Истеъмолнинг **29 фоизи** (30,4 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **71 фоизи** (75,4 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Июль ойида **75 минг тонна** қурилиш арматураси ишлаб чиқарилиб, июнь ойига нисбатан **74 фоизга** (32 минг т) **ошган**.

Қурилиш арматураси импорти июль ойида **75 минг тоннани** (46,4 млн долл.) ташкил қилиб, июнь ойига нисбатан **74 фоизга** (32 минг т) **ошган**.

Импортнинг 72 фоизи Қозоғистон (44 % ёки 33,1 минг т) ва Эрон (28 % ёки 21,1 минг т) давлатларига тўғри келган.

Ўз навбатида, июль ойида **5 тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, июнь ойига (5 т) нисбатан **ўзгармаган**.

Гуруч. Тошкент шаҳар дехқон бозорларида гуруч ўртача нархи июль ойида **1 тонна** учун 20 500 минг сўми ташкил қилиб, июнь ойига нисбатан ўзгармаган, йил бошига нисбатан **2,5 фоизга** (500 минг сўм/т) **ошган**.

Гуруч истеъмоли 2025 йил июль ойида **10 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил июнь ойига нисбатан **45 фоизга** (12,4 минг т) **камайган**.

Истеъмолнинг **93 фоизи** (9,6 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **7 фоизи** (700 т) импорт ҳисобига қопланган.

Июль ойида **9,6 минг тонна** гуруч ишлаб чиқарилиб, июнь ойига нисбатан **41 фоизга** (13,6 минг т) **камайган**.

Гуруч импорти июль ойида **731 тоннани** (338 минг долл.) ташкил қилиб, июнь ойига нисбатан **48 фоизга** (673 минг т) **камайган**.

Импортнинг 93 фоизи Қозоғистон (67 % ёки 491 т) ва Ҳиндистон (26 % ёки 194 т) давлатларига тўғри келган.

Ўз навбатида, июль ойида **214 тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, июнь ойига нисбатан **10 фоизга** (1,9 минг т) **камайган**.

Шакар. Товар хом ашё биржасида шакар ўртача нархи июль ойида **1 тонна** учун **12 137 минг сўми** ташкил қилиб, июнь ойига нисбатан **0,3 фоизга** (37 минг сўм/т) **ошган**. йил бошига нисбатан **1 фоизга** (128 минг сўм/т) **камайган**.

Шакар истеъмоли 2025 йил июль ойида **45 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил июнь ойига нисбатан **48 фоизга** (14,6 минг т) **ошган**.

Истеъмолнинг **30 фоизи** (13 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **70 фоизи** (32 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Июль ойида **13 минг тонна** шакар ишлаб чиқарилиб, июнь ойига нисбатан **43 фоизга** (17 минг т) **камайган**.

Июль ойида **32 минг тонна** (21,6 млн долл.) шакар импорт қилиниб, июнь ойига нисбатан **106 бар.** (31,5 минг т) **ошган**.

Импорт 92 фоизи Россия (60 % ёки 19 минг т), Қозоғистон (18 % ёки 5,7 минг т) ва Азербайджон (14 % ёки 4,3 минг т) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

Ўз навбатида, июнь-июль ойларида шакар экспорти амалга оширилмаган.

Цемент. Товар хом ашё биржасида цемент ўртача нархи июль ойида **1 тонна** учун **561 минг сўми** ташкил қилиб, июнь ойига нисбатан **1 фоизга** (7 минг сўм/т), йил бошига нисбатан **16 фоизга** (77 минг сўм/т) **ошган**.

Цемент истеъмоли 2025 йил июль ойида **1 541 минг тонна**ни ташкил этиб, 2025 йил июнь ойига нисбатан **67 фоизга** (754 минг т) камайган.

Истеъмолнинг **99 фоизи** (1 688 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **1 фоизи** (14 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Июль ойида **1 688 минг тонна** цемент ишлаб чиқарилиб, июнь ойига нисбатан **69 фоизга** (763 минг т) **камайган**.

Цемент импорти июль ойида **13,7 минг тонна**ни (1,2 млн долл.) ташкил қилиб, июнь ойига нисбатан **25 фоизга** (2,8 т) **ошган**.

Импортнинг 99,8 фоизи Эрон (92,7 % ёки 12,6 минг т) ва Қозоғистон (7,1 % ёки 974 т) давлатларига тўғри келган.

Ўз навбатида, июль ойида **161 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, июнь ойига нисбатан **4 фоизга** (6,5 минг т) **камайган**.

Бензин. Товар хом ашё биржасида АИ-92 бензин ўртача нархи июль ойида **1 тонна** учун **12 510 минг сўм**ни ташкил қилиб, июнь ойига нисбатан **1 фоизга** (149 минг сўм/т), йил бошига нисбатан **1 фоизга** (125 минг сўм/т) **ошган**.

Бензин (АИ-80, АИ-92, АИ-95) истеъмоли 2025 йил июль ойида **120 минг тонна**ни ташкил қилиб, 2025 йил июнь ойига нисбатан **6 фоизга** (7 минг т) **ошган**.

Истеъмолнинг **51 фоизи** (89 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **50 фоизи** (59 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Июль ойида **89 минг тонна** бензин ишлаб чиқарилиб, июнь ойига нисбатан **4,5 фоизга** (3,8 минг т) **ошган**.

Бензин импорти июль ойида **59 минг тонна**ни (41,2 млн долл.) ташкил қилиб, июнь ойига нисбатан **14 фоизга** (7 минг т) **ошган**.

Импортнинг 99,6 фоизи Россия (75,7 % ёки 44,6 минг т) ва Қозоғистон (23,9 % ёки 14 минг т) давлатларига тўғри келган.

Ўз навбатида, июль ойида **27,5 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, июнь ойига нисбатан **16,5 фоизга** (4 минг т) **ошган**.

Ўсимлик ёғи. Товар хом ашё биржасида ўсимлик ёғи ўртача нархи июль ойида **1 тонна** учун **19 271 минг сўм**ни ташкил қилиб, июнь ойига нисбатан **38 фоизга** (5 318 минг сўм/т), йил бошига нисбатан **12 фоизга** (2 118 минг сўм/т) **ошган**.

Ўсимлик ёғи истеъмоли 2025 йил июль ойида **57 минг тонна**ни ташкил қилиб, 2025 йил июнь ойига нисбатан **15 фоизга** (7,7 минг т) **ошган**.

Истеъмолнинг **29 фоизи** (20 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **71 фоизи** (41 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Июль ойида **20 минг тонна** ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилиб, июнь ойига нисбатан **20 фоизга** (5 минг т) **камайган**.

Ўсимлик ёғи импорти июль ойида **41 минг тонна** (44 млн долл.), июнь ойига нисбатан **44 фоизга** (12,5 минг т) **ошган**.

Импортнинг 100 фоиз Қозоғистон (90,6 % ёки 36,8 минг т) ва Россия (9,4 % ёки 3,8 минг т) давлатларига тўғри келган.

Ўз навбатида, июль ойида **3,2 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, июнь ойига нисбатан **0,3 фоизга** (10 т) **камайган**.

Дизель ёқилғиси. Товар хом ашё биржасида дизель ёқилғиси ўртача нархи июль ойида **1 тонна** учун **13 078 минг сўм**ни ташкил қилиб, июнь ойига нисбатан **0,2 фоизга** (23 минг сўм/т) камайган, йил бошига нисбатан **3 фоизга** (344 минг сўм/т) **ошган**.

Дизель ёқилғиси истеъмоли 2025 йил июль ойида **123 минг тонна**ни ташкил қилиб, 2025 йил июнь ойига нисбатан **2 фоиз** (2,6 минг т)га **ошган**.

Истеъмолнинг **86 фоизи** (108,5 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **14 фоизи** (17 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Июль ойида **108,5 минг тонна** дизель ёқилғиси ишлаб чиқарилиб, июнь ойига нисбатан **4 фоизга** (4,2 минг т) **ошган**.

Дизель ёқилғиси импорти июль ойида **17 минг тоннани** (12,6 млн долл.) ташкил қилиб, июнь ойига нисбатан **9 фоизга** (1,6 минг т) **камайган**.

Импортнинг 96,9 фоизи Россия (93,9% ёки 15,9 минг т) ва Туркменистон (3% ёки 505 т) давлатларига тўғри келган.

Ўз навбатида, июль ойида **2,1 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, июнь ойига нисбатан **0.2 фоиз** (4 т) **ошган**.

Суюлтирилган газ. Товар хом ашё биржасида суюлтирилган газ ўртача нархи июль ойида **1 тонна** учун **6 303 минг сўми** ташкил қилиб, июнь ойига нисбатан **1 фоизга** (78 минг сўм/т) ошган, йил бошига нисбатан **6 фоизга** (394 минг сўм/т) **камайган**.

Суюлтирилган газ истеъмоли 2025 йил июль ойида **87 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил июнь ойига нисбатан **10 фоизга** (8 минг т) **ошган**.

Истеъмолнинг **82 фоизи** (72 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **18 фоизи** (15 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Июль ойида **72 минг тонна** суюлтирилган газ ишлаб чиқарилиб, июнь ойига нисбатан **0,5 фоизга** (300 т) **ошган**.

Суюлтирилган газ импорти июль ойида **15 минг тонна** (5,7 млн долл.), июнь ойига нисбатан **2 бар.** га (7,8 минг т) **ошган**.

Импорт 99,2 фоизи Россия (76,1 % ёки 11,5 минг т) ва Қозоғистон (23,1 % ёки 3,4 минг т) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

Ўз навбатида, июнь-июль ойларида экспорт амалга оширилмаган.

Буғдой. Товар хом ашё биржасида буғдой ўртача нархи июль ойида **1 тонна** учун **2 779 минг сўми** ташкил қилиб, июнь ойига нисбатан **7 фоизга** (190 минг сўм/т), йил бошига нисбатан **14,5 фоизга** (351 минг сўм/т) **ошган**.

Буғдой истеъмоли 2025 йил июль ойида **894 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил июнь ойига нисбатан **54 фоизга** (314 минг т) **ошган**.

Истеъмолнинг **66 фоизи** (595 минг т) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **34 фоизи** (300 минг т) импорт ҳисобига қопланган.

Июль ойида **595 минг тонна** буғдой ишлаб чиқарилиб, июнь ойига нисбатан **67 фоизга** (240 минг т) **ошган**.

Буғдой импорти июль ойида **300 минг тонна** (61,4 млн долл.), июнь ойига нисбатан **33 фоизга** (74,6 минг т) **ошган**.

Жами импорт Қозоғистон (300 096,2 т) давлати ҳиссасига тўғри келган.

Ўз навбатида, июль ойида **700 тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, июнь ойига нисбатан **49 фоиз** (200 т) **ошган**.

Енгил автомобиллар. Енгил автомобиллар истеъмоли 2025 йил июль ойида **35 377 донани** ташкил этиб, 2025 йил июнь ойига нисбатан **16 фоизга** (7 064 дона). **камайган**.

Истеъмолнинг **86 фоизи** (30 307 дона) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **14 фоизи** (5 091 дона) импорт ҳисобига қопланган.

Июль ойида **30 307 дона** енгил автомобиллар ишлаб чиқарилиб, июнь ойига нисбатан **19 фоизга** (7 264 дона) **камайган**.

Енгил автомобиллар импорти июль ойида **5 091 дона** (108 млн долл.) ташкил этиб, июнь ойига нисбатан **4 фоизга** (186 дона) **ошган**.

Импортнинг 95,9 фоизи Хитой (92,6 % ёки 4 715 дона) ва Жанубий Корея (3,3 % ёки 166 дона) давлатларига тўғри келган.

Ўз навбатида, июль ойида **21 дона** автомобиль экспортга йўналтирилиб, июнь ойига нисбатан **40 фоизга** (14 дона) камайган. Тижорат техникалари Тижорат техникалари истеъмоли 2025 йил июль ойида **524 донани**

ташкил этиб, 2025 йил июнь ойига нисбатан **13 фоизга** (60 дона) **ошган**.

Истеъмолнинг **80 фоизи** (420 дона) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **20 фоизи** (105 дона) импорт ҳисобига қопланган.

Июль ойида **420 дона** тижорат техникалари ишлаб чиқарилиб, июнь ойига нисбатан **2 фоиз** (10 дона) **камайган**.

Тижорат техникалари импорти июль ойида **105 дона** (11,8 млн долл.), июнь ойига нисбатан **2,9 бар.** га (69 дона) **ошган**.

Импортнинг 82 фоизи Хитой (61 % ёки 64 дона) ва Россия (21 % ёки 22 дона) давлатларига тўғри келган.


Ўз навбатида, июль ойида **1 дона** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, июнь ойида нисбатан **50 фоизга** (1 дона) **камайган**.

ТОВАР ВА МАҲСУЛОТЛАР

БИРЖА НАРХЛАРИ


ТЕХНИК ОЛТИНГУГУРТ

(минг т)




РУХ

(минг т)




СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ

(минг т)




МИС

(минг т)




БЕНЗИН

(минг т) (Аи-92)




ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛҒИСИ

(минг т)




ПВХ

(минг т)




ПОЛИПРОПИЛЕН

(минг т)




КАРБАМИД

(минг т)




АММИАКЛИ СЕЛИТРА

(минг т)




БУҒДЎЙ

(ун ишлаб чиқариш) (минг т)



ПОЛИЭТИЛЕН

(минг т)




БОЗОРИНИНГ КОНЪЮКТУРАСИ

БОЗОР НАРХЛАРИ


АРМАТУРА

(минг т)




СУЛЬФАТ КИСЛОТАСИ

(минг т)




ЎСИМЛИК ЁҒИ

(минг т)




ГУРУЧ

(минг т)




ЦЕМЕНТ

(минг т)




ЛИСТЛИ ПРОКАТ

(минг т)




ҚУРИЛИШ ОЙНАСИ

(минг м²)




ШАКАР

(ОҚ) (минг т)




ИП КАЛАВА

(минг т)




ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР

(минг дона)



ТИЖОРАТ ТЕХНИКАЛАРИ

(Махсус автотранспорт) (дона)



АСОСИЙ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ ҚИСҚА ШАРҲИ

I. Ижобий кўрсаткичлар

Нарх-наво. 2024 йилда ўтган ҳисобот даврига нисбатан **23 турдаги** маҳсулотлардан **9 тасида**, 2025 йилнинг январь-июль ойларида эса 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **8 тасида** нархлар пасайган, **1 тасида** нархлар **ўзгармаган**.

Жумладан, 2024 йилда **9 турдаги** маҳсулотда, техник олтингугурт **31,7 фоиз** (108 минг сўм/т), қурилиш ойнаси **18,8 фоиз** (15 минг сўм/м²), цемент **11,8 фоиз** (104 минг сўм/т), буғдой (ун ишлаб чиқариш) **10,8 фоиз** (315 минг сўм/т), ўсимлик ёғи **5,2 фоиз** (1 минг сўм/т), полиэтилен **4,6 фоиз** (780 минг сўм/т), аммиакли селитра **4,1 фоиз** (117 минг сўм/т), ПВХ **3,1 фоиз** (356 минг сўм/т), полипропилен **1,8 фоиз** (300 минг сўм/т).

2025 йилнинг январь-июль ойларида **8 турдаги** маҳсулотда, асосан, буғдой **16,5 фоиз** (500 сўм/кг), цемент **7 фоиз** (38 минг сўм/т), шакар **5 фоиз** (600 сўм/кг), қурилиш ойнаси **4,5 фоиз** (3 минг сўм/м²), аммиакли селитра **1 фоиз** (33 минг сўм/т), дизель ёқилғиси **1 фоиз** (146 минг сўм/т), карбамид **0,6 фоиз** (21 минг сўм/т), полиэтилен **0,1 фоиз** (20 минг сўм/т), нархлар пасайган, Шунингдек, **1 турдаги** рух (34 776 минг сўм/т) маҳсулотида нархлар **ўзгармаган**.

Ишлаб чиқариш. 2024 йилда **23 турдаги** маҳсулотлардан **13 тасида**, 2025 йилнинг январь-июль ойларида 2024 йил мос даврига нисбатан **12 тасида** ишлаб чиқариш ҳажми **ошган**.

Жумладан, 2024 йилда **13 турдаги** маҳсулотда, асосан, тижорат техникалари **21 фоиз** (993 дона), гуруч **19 фоиз** (44 минг т), цемент **15 фоиз** (2,8 млн т), карбамид **11 фоиз** (108 минг т), пвх **7 фоиз** (3 минг т), сульфат кислотаси **7 фоиз** (106 минг т), ип калава **4 фоиз** (39 минг т), ўсимлик ёғи **3 фоиз** (9 минг т), листли прокат **2 фоиз** (3 минг т), буғдой **2 фоиз** (79 минг т), қурилиш ойнаси **2 фоиз** (0,8 млн м²), енгил автомобиль

2025 йилнинг январь-июль ойларида **13 та** маҳсулотда, асосан, техник олтингугурт **2,3 бар**. (183 минг т), тижорат техникалари **100 фоиз** (2 967 дона), листли прокат **1 бар**, (78,4 минг т), қурилиш ойнаси **27 фоиз** (5 220 минг м²), цемент **27 фоиз** (2 577 минг т), сульфат кислотаси **17,5 фоиз** (166 минг т), енгил автомобиллар **17 фоиз** (35,3 минг дона), гуруч **7,7 фоиз** (11 минг т), карбамид **7 фоиз** (42 минг т), буғдой **7 фоиз** (176,6 минг т), ип калава **5 фоиз** (22,3 минг т), рух **1,7 фоиз** (600 т), ўсимлик ёғи **1 фоиз** (1,8 минг т).

Экспорт. 2024 йилда 2023 йилга нисбатан **11 та**, 2025 йилнинг январь-июль ойларида 2024 йил мос даврига нисбатан **10 та** маҳсулотда экспорт **ошган**.

Жумладан, 2024 йилда **11 та** маҳсулотда, асосан, цемент **57 бар**. (445 минг т), гуруч **1,8 бар**. (1,1 минг т), листли прокат **1,8 бар**. (71 минг т), қурилиш ойнаси **1,8 бар**. (1,7 млн м²), ўсимлик ёғи **1,6 бар**. (7,5 минг т), бензин **1,4 бар**. (155 минг т), полипропилен **1,4 бар**. (71 минг т), аммиакли селитра **38 фоиз** (93 минг т), карбамид **29 фоиз** (156 минг т), ип калава **9 фоиз** (38 минг т), Техник олтингугурт **2 фоиз** (2 минг т).

2025 йилнинг январь-июль ойларида **10 та** маҳсулот асосан, дизель ёқилғиси **41 бар**. (4,1 минг т), гуруч **13 бар**. (10,7 минг т), цемент **5 бар**. (582 минг т), техник олтингугурт **5 бар**. (192 минг т), тижорат техникалари **4 бар**. (12 дона), буғдой **3 бар**. (13 минг т), ўсимлик ёғи **1 бар**. (11 минг т), қурилиш ойнаси **28 фоиз** (471 минг м²), рух **17 фоиз** (3,4 минг т), полиэтилен **10 фоиз** (10 т).

Импорт. 2024 йилда 2023 йилга нисбатан **11 та**, 2025 йилнинг январь-июль ойларида 2024 йил мос даврига нисбатан **4 тасида** импорт **камайган**.

Жумладан, 2024 йилда **11 та** маҳсулотда, асосан аммиакли селитра **2 бар**. (9 минг т), тижорат техникалари **1,8 бар**.

(1 344 дона), гуруч **1,6 бар.** (70 минг т), цемент **1,5 бар.** (969 минг т), енгил автомобиллар **26 фоиз** (21 минг дона), пвх **25 фоиз** (70 минг т), арматура **20 фоиз** (53 минг т), дизель ёқилғиси **20 фоиз** (29 минг т), полипропилен **16 фоиз** (24 минг т), буғдой **16 фоиз** (582 минг т), ўсимлик ёғи **4 фоиз** (11 минг т).

2025 йилнинг январь-июль ойларида **4 та** маҳсулотда, асосан, цемент **89 фоиз** (433 минг т), гуруч **76 фоиз** (21 минг т), рух **55 фоиз** (300 т), енгил автомобиллар **29 фоиз** (10,8 минг дона)га импорти камайган. Шунингдек, мис импорти тухтаган.

II. Салбий кўрсаткичлар

Нарх-наво. 2024 йилда ўтган ҳисобот даврига нисбатан **23 турдаги** маҳсулотлардан **11 тасида**, 2025 йилнинг январь-июль ойларида эса 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **11 тасида** нархлар **ошган.**

Жумладан, **11 турдаги** маҳсулотлар, асосан, сульфат кислотаси **22 фоиз** (187 минг сўм/т), суюлтирилган газ **19 фоиз** (1 млн сўм/т), мис **17 фоиз** (18,5 млн сўм/т), дизель ёқилғиси **16 фоиз** (1,8 млн сўм/т), рух **14 фоиз** (4,6 млн сўм/т), карбамид **12 фоиз** (406 минг сўм/т), гуруч **11 фоиз** (2 минг сўм/т), арматура **7 фоиз** (600 минг сўм/т), шакар **5 фоиз** (0,7 минг сўм/т), листли прокат **2,3 фоиз** (257 минг сўм/т), бензин **0,3 фоиз** (36 минг сўм/т).

2025 йилнинг январь-июль ойларида **11 та** маҳсулотда, асосан, техник олтингугурт **53 фоиз** (122 минг сўм/т), сульфат кислотаси **20 фоиз** (168 минг сўм/т), арматура **14 фоиз** (1 247 минг сўм/т), ўсимлик ёғи **13 фоиз** (2 300 сўм/кг), суюлтирилган газ **12 фоиз** (688 минг сўм/т), листли прокат **6 фоиз** (507 минг сўм/т), бензин **5 фоиз** (549 минг сўм/т), гуруч **3 фоиз** (600 сўм/кг), мис **2 фоиз** (2 815 минг сўм/т), полипропилен **1,5 фоиз** (242 минг сўм/т), пвх **0,2 фоиз** (21 минг сўм/т).

Ишлаб чиқариш. 2024 йилда **23 турдаги** маҳсулотлардан **10 тасида**, 2025 йилнинг январь-июль ойларида **11 тасида** ишлаб чиқариш **камайган.**

Ишлаб чиқариш. 2024 йилда **23 турдаги** маҳсулотлардан **10 тасида**, 2025 йилнинг январь-июль ойларида **11 тасида** ишлаб чиқариш **камайган.**

Жумладан, 2024 йилда **10 турдаги** маҳсулотларда, асосан, шакар **21 фоиз** (125 минг т), рух **11 фоиз** (8,5 минг т), арматура **10 фоиз** (97 минг т), мис **7,5 фоиз** (11 минг т), дизель ёқилғиси **5,6 фоиз** (57 минг т), полипропилен **5 фоиз** (4 минг т), бензин **4,5 фоиз** (60 минг т), полиэтилен **4 фоиз** (17 минг т), аммиакли селитра **3 фоиз** (49 минг т), техник олтингугурт **0,1 фоиз** (200 т), 2025 йилнинг январь-июль ойларида **10 та** маҳсулотда, асосан, шакар **36 фоиз** (100 минг т), арматура **32 фоиз** (88 минг т), полипропилен **19 фоиз** (10 минг т), бензин **16 фоиз** (122 минг т), полиэтилен **14 фоиз** (34 минг т), пвх **10 фоиз** (3 минг т), дизель ёқилғиси **6 фоиз** (40 минг т), суюлтирилган газ **2 фоиз** (10 минг т), аммиакли селитра **0,5 фоиз** (4,4 минг т), мис **0,1 фоиз** (100 т).

Экспорт. **23 турдаги** маҳсулотлардан 2024 йилда **12 та**, 2025 йилнинг январь-июль ойларида **11 тасида** экспорт **камайган.**

Жумладан, 2024 йилда **12 та** маҳсулотда, асосан, сульфат кислотаси **100 фоиз** экспорт тўхтаган, шакар **2 бар.** (2 минг т), дизель ёқилғиси **1,9 бар.** (14,6 минг т), арматура **1,7 бар.** (18,8 минг т),

суюлтирилган газ **1,5 бар.** (8,9 минг т), енгил автомобиль **40 фоиз** (130 дона), буғдой **36 фоиз** (10 минг т), ПВХ **30 фоиз** (1 минг т), рух **23 фоиз** (12,1 минг т), полиэтилен **8 фоиз** (20 т), тижорат техникалари **6 фоиз** (1 дона), мис **4 фоиз** (2,2 минг т).

2025 йилнинг январь-июль ойларида **11 та** маҳсулотда, асосан, суюлтирилган газ **96 фоиз** (6,7 минг т), арматура **78 фоиз** (5 минг т), ип калава **48 фоиз** (150 минг т), карбамид **42 фоиз** (126 минг т), полипропилен **37 фоиз** (1,5 минг т), енгил автомобиллар **28 фоиз** (40 дона), аммиакли селитра **23 фоиз** (38 минг т), пвх **23 фоиз** (200 т), мис **4 фоиз** (1,3 минг т), листли прокат **3 фоиз** (3 минг т), бензин **2 фоиз** (3 минг т).

Импорт. 2024 йилда 2023 йилга нисбатан **11 та**, 2025 йилнинг январь-июль ойларида ўтган ҳисобот даврига нисбатан **18 та** маҳсулотда импорт **ошган.**

Жумладан, 2024 йилда **11 та** маҳсулотда, асосан, суюлтирилган газ **5 бар.** (101 минг т), техник олтингугурт **3 бар.** (0,1 минг т), карбамид **1,8 бар.** (0,2 минг т), сульфат кислотаси **1,6 бар.** (40 т), шакар **1,5 бар.** (49,7 минг т), рух **1,4 бар.** (0,4 минг т), бензин **37 фоиз** (153 минг т), полиэтилен **19 фоиз** (10 минг т), ип калава **17 фоиз** (0,6 минг т), қурилиш ойнаси **8 фоиз** (628 минг м²), листли прокат **4 фоиз** (51,7 минг т).

2025 йилнинг январь-июль ойларида **18 та** маҳсулотда, асосан аммиакли селитра **15 бар.** (1,4 минг т), техник олтингугурт **3 бар.** (300 т), дизель ёқилғиси **5 бар.** (165 минг т), сульфат кислотаси **3 бар.** (3 т), арматура **3 бар.** (268 минг т), тижорат техникалари **2,5 бар.** (248 дона), пвх **1 бар.** (45 минг т), полипропилен **72 фоиз** (44 минг т), шакар **64 фоиз** (18,5 минг т), қурилиш ойнаси **51 фоиз** (2 180 минг м²), суюлтирилган газ **43 фоиз** (22 минг т), карбамид **43 фоиз** (100 т), бензин **40 фоиз** (134 минг т), полиэтилен **39 фоиз** (13 минг т), листли прокат **36 фоиз** (283 минг т), ўсимлик ёғи **33 фоиз** (56 минг т), буғдой **26 фоиз** (414 минг т), ип калава **14 фоиз** (400 т).

Тармоқ бозорлари ва ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги тадқиқотлари маркази

Электрон манзил

Веб саҳифа: www.lprc.uz

Эл. почта: lprcuzbekistan@imv.uz

t.me/Tadqiqotlarmarkazi

Манзил

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар,
Чилонзор кўчаси, 4-уй.

(+998) 71 230-70-12

(+998) 71 230-70-14

(+998) 71 230-70-16

